

ТАРҒИБОТ РИСОЛАСИ

КОРРУПЦИЯГА МУРОСАСИЗЛИК

Ҳалол қарор • холис муносабат • жамоатчилик ишончи

Судьялар, суд аппарати ходимлари ва фуқаролар учун амалий қўлланма

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши

МУНДАРИЖА

1.	Коррупцияга мурасасизлик тушунчаси
2.	Суд тизимида ҳалоллик ва жамоатчилик ишончи
3.	Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш
4.	Коррупциявий хавфли вазиятлар
5.	Совға, хизмат ва ноқонуний таклифларга муносабат
6.	Коррупция ҳақида хабар беришнинг 7 қадами
7.	Хабар бериш каналлари ва мурожаат мазмуни
8.	Амалий вазиятлар ва тўғри ечимлар
9.	Ходим ва раҳбар учун чек-лист

Рисоланинг мақсади — коррупциявий хавфни эрта аниқлаш ва қонуний ҳаракат алгоритмини содда тилда тушунтириш.

1. КОРРУПЦИЯГА МУРОСАСИЗЛИК ТУШУНЧАСИ

Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёхуд бошқа шахслар манфаатини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши билан боғлиқ ижтимоий хавfli ҳодисадир.

Коррупцияга мурасасиз муносабат фақат жиноят содир этилгандан кейин жазо қўллашни аниқлатмайди. У ноқонуний таклифни рад этиш, шахсий манфаатни яширмаслик, ташқи босимга берилмаслик ва қонунбузилиш ҳақида хабар беришни ҳам қамраб олади.

Мурасасизлик — ҳар бир шубҳали вазиятда қонун, ҳолислик ва жамоат манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйишдир.

Мурасасиз ходимнинг асосий позицияси

- пора, совға, хизмат ёки имтиёз кўринишидаги манфаатни қабул қилмайди;
- таниш-билишчилик ва қариндошликни хизмат қароридан устун қўймайди;
- манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида маълум қилади;
- қонунбузилишга бефарқ бўлмайди ва белгиланган канал орқали хабар беради;
- қарорнинг қонуний асоси ва қабул қилиш жараёнини ҳужжатлаштиради.

2. СУД ТИЗИМИДА ҲАЛОЛЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК ИШОНЧИ

Суд ҳоқимиятига ишонч фуқаронинг унинг иши фақат қонун ва далилларга асосан кўриб чиқилишига бўлган ишончидир. Судья ёки суд ходимининг биргина ноқонуний ҳаракати бутун тизим обрўсига таъсир қилиши мумкин.

Коррупциянинг асосий оқибатлари

- қарорларнинг ҳолислигига шубҳа туғилади;
- фуқароларнинг судга ва давлатга ишончи пасаяди;
- тенглик, қонунийлик ва адолат тамойиллари бузилади;
- ҳалол ходимларнинг меҳнати ва ташкилот нуфузига зарар етади;
- ташқи босим ва норасмий муносабатлар учун шароит пайдо бўлади.

Суд қарорининг қонуний бўлиши етарли эмас — у ҳолис ва ташқи таъсирдан ҳоли қабул қилингани ҳам жамоатчиликка ишонарли кўриниши керак.

Кундалик ҳалоллик одатлари

- қарордан олдин шахсий манфаат мавжудлигини текшириш;
- оғзаки топшириқ ва босимни расмийлаштиришни талаб қилиш;
- шубҳали совға ёки хизматни рад этиш;
- масъулиятни бошқа шахсга юкламасдан ўз вақтида хабар бериш.

3. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ АНИҚЛАШ ВА БОШҚАРИШ

Манфаатлар тўқнашуви — шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлиги унинг хизмат вазифаларини лозим даражада бажаришига таъсир қилаётган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазият.

Уч кўриниш

1	Ҳақиқий тўқнашув Шахсий манфаат ҳозирнинг ўзида хизмат қарорига таъсир қилмоқда.
2	Эҳтимолий тўқнашув Мавжуд вазият келгусида холис қарор қабул қилишга таъсир қилиши мумкин.
3	Ташқи кўринишдаги тўқнашув Аслида таъсир бўлмаса ҳам, ташқи кузатувчида холисликка асосли шубҳа туғилади.

Тўғри ҳаракат алгоритми

- аниқланг — шахсий манфаат ва хизмат вазифаси кесишган нуқтани белгиланг;
- ошкор қилинг — раҳбар ёки масъул тузилмага кечиктирмасдан ёзма хабар беринг;
- четлашинг — масала ҳал этилгунга қадар қарор қабул қилишда иштирок этманг;
- ҳужжатлаштиринг — қабул қилинган чора ва натижани расмий қайд этинг.

4. КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФЛИ ВАЗИЯТЛАР

1	Қариндошлик ёки яқин алоқа Иш иштирокчиси, вакил, етказиб берувчи ёки манфаатдор шахс билан яқин муносабат.
2	Совға ва меҳмондўстлик Қарор олдидан ёки кейин моддий манфаат, саёҳат, чегирма ёки хизмат таклифи.
3	Ташқи босим Раҳбар, таниш ёки бошқа шахснинг муайян қарорни қабул қилишга таъсир кўрсатишга уриниши.
4	Қўшимча манфаат Тадбиркорлик, мулкӣй ёки бошқа шахсий манфаатнинг хизмат вазифаси билан кесишиши.
5	Назоратсиз ваколат Бир шахс қўлида қарор, текширув ва тасдиқлаш ваколатларининг жамланиши.

Хавфни камайтириш чоралари

- вазифа ва ваколатларни аниқ тақсимлаш;
- қарорларни ёзма асослаш ва икки босқичли текширув;
- манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш;
- жараёнлар ва маълумотларни имкон қадар очиқлаш.

5. СОВҒА ВА НОҚОНУНИЙ ТАКЛИФЛАРГА МУНОСАБАТ

Қарор ёки хизмат эвазига таклиф этилган ҳар қандай моддий ёки номоддий манфаат холисликка хавф туғдиради.

Қабул қилманг

- пул, қимматбаҳо буюм ёки совға;
- саёҳат, меҳмонхона, овқатланиш ёки транспорт харажати;
- шахсий хизмат, ишга жойлаштириш ёки имтиёз;
- воситачи ёки яқин шахс орқали берилган манфаат;
- қарордан кейин «миннатдорлик» сифатида таклиф этилган наф.

Тўғри йўл тутинг

- таклифни аниқ ва дарҳол рад этинг;
- воқеа санаси, жойи ва иштирокчиларни қайд этинг;
- мавжуд далилларни қонуний тартибда сақланг;
- раҳбар ёки масъул тузилмага хабар беринг;
- шубҳа бўлса, манфаатни қабул қилишдан олдин расмий маслаҳат сўранг.

6. КОРРУПЦИЯ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРИШНИНГ 7 ҚАДАМИ

1	Хотиржамликни сақланг Ноқонуний талабга рози бўлманг ва вазиятни кескинлаштирманг.
2	Пора берманг Шахсан ёки воситачи орқали пул, совға ёки манфаат таклиф қилманг.
3	Ҳолатни қайд этинг Воқеа санаси, вақти, жойи ва иштирокчиларни ёзиб қўйинг.
4	Далилларни сақланг Мавжуд ҳужжат, хабар, аудио, фото ёки бошқа маълумотларни қонуний сақланг.
5	Хабар беринг Онлайн шакл, электрон почта ёки ишонч телефонидан фойдаланинг.
6	Қайд рақамини сақланг Мурожаат рўйхатга олинганини текширинг ва ҳолатини кузатинг.
7	Махфийликни ҳимоя қилинг Тасдиқланмаган маълумот ва шахсий маълумотларни тарқатманг.

7. ХАБАР БЕРИШ КАНАЛЛАРИ

Онлайн шакл	sudyalaroliykengashi.uz/uz/submission
Электрон почта	ins@sjco.uz
Ишонч телефони	71 200-26-00 ёки 1190
Почта манзили	100047, Тошкент шаҳри, Авлиё ота кўчаси, 124-уй

Мурожаатда нималар бўлиши керак?

- мурожаат қилувчининг алоқа маълумотлари;
- воқеа санаси, вақти ва жойи;
- иштирокчилар ва ноқонуний талабнинг мазмуни;
- мавжуд ҳужжат, фото, аудио ёки бошқа далиллар;
- қутилаётган қонуний натижа.

Мурожаат аниқ, холис ва текшириш мумкин бўлган маълумотларга асосланиши керак.

8. АМАЛИЙ ВАЗИЯТЛАР ВА ТЎҒРИ ЕЧИМЛАР

Вазият 1. Совға таклифи

Иш натижасидан манфаатдор шахс ходимга қимматбаҳо совға таклиф қилди.

Тўғри ечим: Таклифни рад этиш, ҳолатни қайд этиш ва масъул тузилмага хабар бериш.

Вазият 2. Яқин қариндош

Кўриб чиқиладиган масалада ходимнинг яқин қариндоши манфаатдор.

Тўғри ечим: Манфаатлар тўқнашувини ёзма ошкор қилиш ва қарор қабул қилишдан четлашиш.

Вазият 3. Ташқи босим

Таниш шахс муайян натижага эришиш учун телефон орқали босим ўтказди.

Тўғри ечим: Сўхбат тафсилотини қайд этиш, ноқонуний талабни рад этиш ва раҳбарга маълум қилиш.

Вазият 4. Воситачи

Шахс «масалани ҳал қилиш» учун воситачи орқали пул талаб қилди.

Тўғри ечим: Пул бермаслик, мавжуд далилларни сақлаш ва расмий канал орқали хабар бериш.

9. ХОДИМ ВА РАҲБАР УЧУН ЧЕК-ЛИСТ

Ходим учун

- ☐ Шахсий манфаатим қарорга таъсир қилмаяптими?
- ☐ Холислигимга ташқи томондан шубҳа туғилмайдими?
- ☐ Ноқонуний таклифни рад этдимми?
- ☐ Шубҳали ҳолатни ўз вақтида ошкор қилдимми?
- ☐ Қарор ва ҳаракатларимни ҳужжатлаштирдимми?

Раҳбар учун

- ☐ Хабар бериш каналлари ходимларга маълумми?
- ☐ Мурожаатлар махфий ва холис кўриб чиқиладими?
- ☐ Манфаатлар тўқнашуви бўйича аниқ тартиб борми?
- ☐ Ходимлар мунтазам ўқитиладими?
- ☐ Аниқланган камчиликларнинг сабаблари бартараф этиладими?

Ҳалолликни танланг. Адолатни ҳимоя қилинг.

ХУЛОСА

Коррупцияга қарши курашиш назорат органларининг алоҳида вазифаси эмас. Ҳар бир ходимнинг қонуний, холис ва очиқ ҳаракати суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлайди.

Манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида ошкор қилиш, ноқонуний таклифни рад этиш, коррупциявий хавфни эрта аниқлаш ва белгиланган канал орқали хабар бериш — одил судлов ва жамоатчилик ишончини ҳимоя қилишнинг амалий механизмларидир.

**Пора берманг. Пора олманг. Манфаатлар тўқнашувини яширманг.
Қонунбузилиш ҳақида хабар беринг.**

Фойдаланилган расмий манбалар

1. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-419)

<https://lex.uz/docs/3088008>

2. Суд тизимида манфаатлар тўқнашуви

<https://sudyalaroliykengashi.uz/uz/news/964>

3. Умуммиллий вазифанинг ҳуқуқий асослари

<https://sudyalaroliykengashi.uz/uz/news/959>

4. Судларда коррупция фактлари тўғрисида шикоятларни йўллаш

<https://sudyalaroliykengashi.uz/uz/submission>